ЮКЛАМАЛАРНИНГ ТИЛ СИСТЕМАСИДАГИ ЎРНИ

Д.А.Набиева

Мақолада тилшуносликдаги сўз ва унинг туркумларга ажратилиши ҳақидаги қарашлар негизида юкламалар ҳамда уларнинг сўз туркумлари парадигмасидаги ўрни ҳақидаги мулоҳазалар баён қилинган.

***Калит сўзлар**: очиқ система, элемент, сўз, сўз туркуми, юклама.*

В статье на основе лингвистических взглядов о слове и его морфологической характеристике рассматривается вопрос о статусе частиц в парадигме частей речи.

***Ключевые слова**: открытая система, элемент, слово, часть речи, частица.*

The present article deals with the word in linguistics, views concerning division of words into parts of speech, particles and their place in the paradigms word classes

***Keywords:** open system, element, word parts of speech, particle.*

Тилнинг доимо ҳаракатда, ривожланишда бўлган очиқ система эканлиги барча тилшунослар томонидан эътироф этилган. Системавийлик ўзаро шартланганлик, бир-бирини тақозо этиш, поғонавийлик каби муносабатларга эга бўлган узвларнинг муайян бутунликлари таркибига бирикишида намоён бўлади. Борлиқнинг системавийлик табиатига эга бўлган ҳар бир бўлаги таркибидаги элементларнинг ички зиддиятлари асосида ривожланади, тараққий этади. Шу билан биргаликда, зиддиятлар муайян система ички тартибларининг бузилишига, яъни бутунликнинг парчаланишига ва янги қийматга эга бўлган ҳосилаларнинг пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлади. Бу ҳолат синергетиканинг флуктуация, бифуркация, диссипативлик каби жараёнлари билан исботланиши мумкин. «Синергетика парадигмасига кўра тараққиёт узоқ вақт давом этадиган кўп босқичли жараён сифатида тушунтирилади, бунда флуктуация, бифуркация босқичларидан ўтиб тизим барқарор ҳолатга келади» [1.25].

Тилнинг ҳаракатсиз ҳодиса «эргон»эмас, балки доимо ҳаракатда бўлувчи «энергия» эканлиги В.фон Гумбольт томонидан ҳам эътироф этилган эди. Тилнинг «энергия», очиқ система эканлиги унинг ўзгарувчанлигидан, динамиклигидан, беқарорлигидан далолат беради. Бу эса, ўз навбатида, даврлар ўтиши билан маълум лисоний ҳодисалар ҳақидаги хулосаларнинг эскиришига олиб келган ҳолда, янги тадқиқотларга, янги қарашларга, креатив ёндашувларга ва янги хулосаларга йўл очади.

Тил – ҳодисалари мураккаб. Бир қарашда улар тартибли ва тил системасида қатъий ўрингa эгадек. Аслида эса тартибсиз, зиддиятли ва изоҳталаб. Бу ҳолатни сўз туркумлари парадигмаси мисолида ва, айниқса, юкламалар таҳлили мисолида ҳам кўриш мумкин.

Тилшуносликда сўзнинг ўзи ҳам кўп мунозараларга сабаб бўлаётган ҳодисалардан биридир. Л.Блумфильд сўзга тилнинг минимал эркин шакли сифатида қарайди. Унинг фикрича, сўз алоҳида талаффуз қилинадиган, лекин бошқа майда қисмларга бўлинмайдиган ҳамда жумла таркибига мустақил кира оладиган шаклдир [2.144].

В.Б.Касевич ҳам морфологик нуқтаи назардан (анъанавий қарашлар бўйича, сўз бир томондан морфологиянинг асосий бирлиги, иккинчи томондан луғат бирлигидир) сўзни жумланинг ташкил этувчилари, яъни шаклланишидан қатъи назар ўзаро муносабатлари асосида жумлани ҳосил қилувчи структур бирлик [3.162], деб таърифлайди.

Ўзбек илмий тилшунослигининг шаклланишида бетакрор из қолдирган А.Фитрат ҳам «Сўз бир маънони билдирган, махсус оҳанги ва босими (урғу – Д.Н) бўлган товушлар тўдасидир» [4.145], деб таърифлайди.

Юқоридаги фикрлардан кўринадики, «сўз»нинг асосий белгилари – **фонетик шаклланганлик, жумла таркибида (нисбий) мустақилликка ва автономликка эгалик, яъни жумла таркибида мустақил функциялашишдир.** Демак, сўз борлиқнинг муайян бўлагини бевосита акс эттирувчи, шаклий ва мазмуний мустақилликка эга гапнинг энг кичик ташкил этувчисидир [5.422].

Мақсадимиз сўзнинг мақомини белгилаш эмас, балки сўз туркумлари парадигмасига бирлаштирилаётган бирликларнинг барчаси ҳам юқорида келтирилганидек «сўз»лик белгиларига эга ёки эга эмаслигини аниқлаш асносида юкламанинг ушбу парадигмадаги ўрни масаласига аниқлик киритишдан иборат.

Сўзларни туркумлаш қайси мезонга асосланади?

Л.Блумфильд СТ остида шакллар (морфологик шакллар – Д.Н.) синфини тушунади [2.150]. Унинг

таъкидлашича, сўзларнинг шаклий синфлари сўз синфлари, сўзларнинг максимал синфлари сўз туркумларидир[1]. Кўринадики, Л.Блумфильд сўз синфлари билан сўз туркумларини фарқлайди.

А.А.Реформатский ҳар бир тилнинг грамматик тавсифи унинг сўз туркумлари ҳақидаги масаласини ёритишдан бошланишини таъкидлайди. Унинг фикрича, сўзлар қурилиш материали сифатида грамматика ихтиёрига топширилганда, дастлаб, туркумлик маъносига эга бўлади. Бу уларнинг синтактик имкониятларига, бирикувчанлик қобилиятига ҳамда сўз ясовчи, сўз ўзгартирувчи каби морфологик хусусиятларига таъсир қилади. У ёки бу туркумга даҳлдорлиги шу категориянинг грамматик маънолари билан белгиланади [6.250]. Бундан сўз туркумлари сўзларнинг морфологик ва синтактик имкониятлари йиғиндисидан иборат бўлган грамматик категориялар эканлиги маълум бўлади.

Ж.Элтазаров сўзларни туркумлашда икки мезонни асос қилиб олади: функционал-семантик ва функционал-синтактик [7.10-11]. Функционал-семантик мезон асосида мустақил маънога эга бўлган ва мустақил маънога эга бўлмаган сўзлар ажратилади. Синергетикадаги флуктуация жараёнини шу таснифда кузатиш мумкин. Чунки «сўз»нинг асосий белгиларидан бири ҳам шаклий ва мазмуний мустақилликдир. Мустақил маънога эга бўлмаган унсурларни сўз деб айтишимиз қанчалик тўғри бўлади? Бу, айниқса, юкламалар масаласида долзарблик касб этади.

Функционал-синтактик мезон асосида гап таркибига мустақил кира оладиган, яъни конструктив функция бажарувчи – гап бўлаги бўла оладиган ҳамда номустақил, ёрдамчи функция бажарадиган – гап бўлаги бўла олмайдиган сўзларга ажратилади [7.10-11]. Ҳар иккала ҳолатда ҳам сўзларни туркумлашга дихотомик зиддият – мустақиллик ва мустақил эмаслик асос бўлади.

Тил системасида ўзининг барқарор ўрнига эга, аниқ исботланган таснифий белгилари асосида узил-кесил тахлаб чиқилган сўз туркумлари – бир қарашда, тартибли системани ҳосил қилади. Агар шу системани чуқурроқ ўрганилса, унинг хаос, бетартиб эканлигини кўришимиз мумкин. Бу эса тил тараққиётининг ҳозирги босқичида сўз туркумларини ажратиш мезонларини қайта кўриб чиқиш зарурати борлигини кўрсатади.

Сўзларни туркумларга ажратиш масаласи, аслида, қадимги тилшуносларнинг ҳам эътиборини тортган. Гарчи сўзларни туркумларга ажратиш бўйича дастлабки уринишлар қадимги ҳинд тилшуноси Панини томонидан амалга оширилган бўлса ҳам, сўз туркумларининг мукаммал схемасини дастлаб эрамиздан аввалги II асрда юнон олимлари кўрсатиб беришган. Унда айрим сўзларни гуруҳлашда сўзларнинг лексик маъноси асос қилиб олинган. Александрияликларнинг схемаси барча тилларда сўз туркумларини ажратиш учун асос вазифасини бажарди. Уларнинг барчасида сўзларни туркумларга ажратишда сўзнинг уч аспекти эътиборга олинган: луғавий маъноси, морфологик хусусиятлари ва синтактик вазифаси. Булар асосида аксарият тилларда исмлар, феъллар ва ёрдамчилар ажратилган.

Туркий тилларда ҳам сўзлар отлар (исмлар), феъллар ва ёрдамчилар (ҳарфлар) гуруҳига бирлаштирилган. Ёрдамчилар мустақил маъноли сўзларнинг синтактик алоқа ва муносабатларини юзага чиқариш учун ёрдам беради. Шу ўринда юкламалар масаласи эътиборлидир.

Мавжуд адабиётларда юкламалар тузилишига кўра икки гуруҳга бўлинади: 1) қўшимча шаклидаги юкламалар; 2) сўз шаклидаги юкламалар. Шу бўлинишнинг ўзиёқ эътироз туғдиради. Чунки гап сўз ва уни туркумларга ажратиш хусусида экан, қўшимча шаклидаги юкламаларнинг ажратилиши қайси мезонга тўғри келади? Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, сўз бўлиши учун ҳам шаклий, ҳам мазмуний мустақил бўлиши лозим. Қўшимча шаклидаги юкламаларда эса на шаклий ва на мазмуний мустақиллик бор. Бундан ташқари, юкламалар жумла таркибига мустақил қира олмайди ва шу билан бирга, мустақил функция ҳам бажармайди.

И.И.Мешчанинов гап бўлаклари ва сўз туркумларини тадқиқ этар экан, ҳар бир тилда ўзининг «мустақил»лик хусусиятини йўқотиб исмлар ва бошқа туркумдаги сўзлар билан биргаликда қўлланувчи ёрдамчи элементлар мавжудлигини таъкидлайди. Олимнинг фикрича, бундай элементларнинг имкониятлари кенг ва ранг-барангдир. Муайян бир тилда улар ҳам ёрдамчи сўзлар (бунда улар ёрдамчи элементларга айланиб улгурмаган, бирор бир сўз туркумига бирлашган бўлади), ҳам ёрдамчи юкламалар (частицы), ҳам аффикслар сифатида намоён бўлиши мумкин. Охирги ҳолатда улар ёрдамчиликдан чиқиб, грамматик формантга айланади. Шундай қилиб, ёрдамчи юкламалар ёрдамчи сўзлар билан аффикслар ўртасидаги оралиқ позицияни эгаллайди [8.373]. И.И.Мешчанинов тўғри таъкидлаганидек, юкламалар муайян сўз туркумига тегишли бўлган грамматик категориянинг ифодачиси бўла олмайди, лекин барча мустақил сўзлар билан бирикиш имкониятига эга.

[1] Муаллиф шаклий синфлар остида нисбатан кам шаклга эга бўлган маъноларни назарда тутади. Масалан, сон категорияси бирлик ва кўпликни ифодаловчи 0 ва -лар шаклларга эга.

Дихотомик зидланиш асосида ажратилган мустақиллик ва мустақил эмаслик бўлинишининг кейинги босқичида категориал белгилари асосида мустақил сўзлар 6 синфга ажратилади. Номустақил сўзлар ҳам ўзларига юклатилган грамматик маъноси ва вазифаси нуқтаи назаридан ички бўлинишга эга бўлади. Бунда кўмакчилар отларни феъл билан боғлайди, яъни уларнинг синтагматик муносабатлари учун восита вазифасини бажаради ҳамда восита, йўналганлик, аталганлик, мақсад, сабаб каби грамматик маъноларни ташийди. Боғловчилар ҳам мустақил сўзларнинг синтагматик муносабатларини юзага чиқариш учун хизмат қилади ва тенглик, кетма-кетлик, зидлик каби грамматик маъноларни ифодалайди. Юкламаларда эса грамматик маъно ҳам йўқ, синтактик вазифаси ҳам мавжуд эмас. Уларнинг тилдаги мақоми худди луғавий шакл ясовчи морфемаларга ўхшайди. Яъни ўзи қўшилган сўз маъносига қўшимча «устама» маъно юклайди. Фақат юкламалар айрим ҳолатларда бутун гап мазмунига ҳам қўшимча маъно юклаши мумкин. Шунинг учун юкламаларни номустақил сўзлар туркуми қаторида туриши, бизнингча, асоссиз.

Хулоса қилиб айтганда, юкламалар тил системасида аффикслар билан ёрдамчи сўзлар ўртасидаги ўзига хос оралиқ ҳолатни эгаллайди. Уларнинг на грамматик маънога ва на грамматик вазифага эга эмаслиги уларни сўз туркумлари парадигмасига киритишга тўсқинлик қилади.

Адабиётлар:

1. Нурмонов А., Раҳимов А. Лингвосинергетикага кириш.- Т.: Академнашр, 2013.
2. Блумфильд Л. Ряд постулатов для науки о языке. // Звегинцев В.А. История языкознания XIX и XX веков в очерках и извлечениях. Часть II.- М., 1960.
3. Касевич В.Б. Семантика. Синтаксис. Морфология.- М.: Наука, 1988.
4. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи.- Т.: Ўзбекистон, 2002.
5. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. М.: Советская энциклопедия, 1966.
6. Реформатский А.А. Введение в языкознание.- М.: Учпедгиз, 1955.
7. Элтазаров Ж. Сўз туркумлари парадигмасида ўзаро алоқа ҳамда кўчиш ҳоллари.- Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.
8. Мещанинов И.И.Члены предложения и части речи.- Л.: Наука, 1978.

Андижон давлат университети,
2018 йил 28 августда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. У.Раҳимов)